



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2018 йил 9 декабрь, № 254 (7212) Яқшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИГА

Қадри ватандошлар! Мухтарам деҳқон ва фермерлар!

Аввало, барчангизни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни билан чин қалбимдан табриклаб, энг эзгу ва самимий тилақларимни билдиришга рухсат этгайсиз.

Ўз ишининг моҳир устаси бўлган сиз, азизларнинг фидокорона меҳнатингиз самарасини ҳар куни ўз дастурхонидан кўрадиган халқимиз бу йилги мавсум қандай оғир ва мураккаб кечганини яхши билади. Ҳақиқатан ҳам, табиат инжиқликлари — баҳорнинг қуруқ келгани, қутилмаган жала ва буронлар, ёз фаслидаги қучли сув танқислиги, жазирани иссиқ, турли ҳашарот ва касалликлар экин-тикинларга катта ҳавф туғдиргани, кўзда эса ёгин-сочинларнинг барвақт бошлангани мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ходимларини яна бир бор жиддий синовдан ўтказди.

Ана шундай қийинчиликларга қарамадан, юртимиз бўйича 6 миллион 124 минг тонна галла, 2 миллион 300 минг тонна пахта, 8 миллион 661 минг тонна сабзавот, 2 миллион 411 минг тонна картошка, 1 миллион 607 минг тонна полиз маҳсулотлари, 2 миллион 100 минг тоннага яқин мева, 1 миллион 314 минг тонна узум, 18 минг тонна пилла, 1 миллион 789 тонна гўшт, 7 миллион 830 минг тонна сут тайёрлашга эришганингиз таҳсинга лойиқ. Мухтарам айтганда, жами бўлиб 58 триллион 181 миллиард сўмлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилганингиз йил давомида қилган мардона меҳнатингиз маҳсулдир. Жорий мавсум охирида, йил натижалари сарҳисоб қилинаётган мана шу қутлуг айёмда сиз-

ларга, барча қишлоқ аҳлига ана шундай олижаноб меҳнатингиз учун ўз номимдан, халқимиз номидан катта раҳматлар айтиб, чин қалбимдан миннатдорлик билдираман.

Азиз дўстлар! Сизларга яхши маълумки, юртимизда кейинги икки йилда барча соҳалар қатори қишлоқ хўжалиги бўйича ҳам муҳим дастурлар, "йўл харита"лари ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилмоқда. Жумладан, деҳқон ва фермерлар, дала ишчилари меҳнатини муносиб қадрлаш ва рағбатлантириш мақсадида давлат эҳтиёжи учун харид қилинадиган пахта ва галлани молиялаштириш тартиби ўзгартирилгани, Ўзбекистон тарихида биринчи марта фермерлар ўз маблағларини мустақил сарфлаш ҳуқуқига эга бўлганини таъкидлаш лозим.

Бу йилги мавсумда галла етиштирадиган фермерларга 1 триллион 33 миллиард сўм ёки ўтган йилга нисбатан 142 фоиз, пахтачилик хўжалиқларига эса 5 триллион 138 миллиард сўм ёки ўтган йилга нисбатан 2,4 марта кўп имтиёзли кредитлар ажратилгани соҳа ривожига юксак эътибор намунасида.

Ушбу тармоққа бозор механизмлари, хўжалик юритишнинг агрокластер тизими жорий этилаётгани, илгари эътиборимиздан четда бўлиб келган замонавий иссиқхоналар, балиқчилик, асаларичилик, қизилмия, заъфарон, қалампир, саримсоқ, пияз, тўқсонбости усулида сабзавот етиштириш, паррандачилик, йилқичилик, томорқа хўжалиқлари каби йўналишлар жадал ривожланаётгани туб таркибий ўзгаришларга сабаб бўлмоқда. Буларнинг барчаси қишлоқ хўжалигини маҳаллий ва чет эллик

инвесторлар учун тобора жозибали, истиқболли тармоққа айлантирмоқда.

Айни вақтда қишлоқларимиз қиёфасини тубдан янгилаш, уларни обод қилиш, қишлоқ аҳли учун замонавий шароитлар яратиш бўйича ҳам кўп иш қилинмоқда. Жумладан, арзон уй-жойлар дастури доирасида бу йил қишлоқларимизда 28 мингта уй-жой барпо этилиб, ўз эгаларига топширилди. Бундай уй-жойлар учун дастлабки тўлов миқдори 25 фоиздан 15 фоизга, кам таъминланган оилалар учун эса 10 фоизга туширилди.

Бу йил "Обод қишлоқ" дастури доирасида 159 та тумандаги 416 та қишлоқда катта ҳажмдаги қурилиш-ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Натижада 2 миллионга яқин аҳолимиз учун янги уй-жойлар, табиий газ, электр, ичимлик суви тармоқлари, раван йўллар, мактаб ва боғчалар, шифо масканлари, маданият ва спорт иншоотлари, бир сўз билан айтганда, муносиб ҳаёт шароитлари яратилгани, ҳеч шубҳасиз, барчамизни хурсанд қилди ва келгусида бу ишларни янада катта қўлаш ва кенг миқёсда давом эттиришга руҳлантирди.

Қадри юртдошлар! Ҳаммамиз яхши тушунамизки, ҳозирги пайтда олдимизда ҳал қилишимиз лозим бўлган гоят муҳим вазифалар турибди. Аввало, жорий мавсумнинг ачиқ тажрибасидан келиб чиқиб, юқори самара бермаётган пахта ва галла майдонларини қисқартиришни изчил давом эттириш зарур.

Пахта ва галладан бўшаган майдонларда экспортбоқ, ички ва ташқи бозорда талаб катта бўлган экинлар эҳши, бошқача айтганда, ҳар бир хўжалик ва тумanning ихтисослашувини

қайта кўриб чиқиб, тегишли қарорлар қабул қилишимиз, кўп тармоқли фермер хўжалиқлари, томорқа майдонлари самарасини оширишга қаратилган ишларимизни қучайтиришимиз керак.

Қишлоқ хўжалигида чидамли, эртапишар, серҳосил экин навларини яратиш, чорвачиликда насличкини яхшилаш, энг катта бойлик бўлган ер ва сув ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланиш, уруғчиликни ривожлантириш эътиборимиз марказида туриши лозим.

Келгуси йилда сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида Давлат бюджетидан қариб 1,7 триллион сўм, халқаро молия институтлари қурилиш-ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Натижада 2 миллионга яқин аҳолимиз учун янги уй-жойлар, табиий газ, электр, ичимлик суви тармоқлари, раван йўллар, мактаб ва боғчалар, шифо масканлари, маданият ва спорт иншоотлари, бир сўз билан айтганда, муносиб ҳаёт шароитлари яратилгани, ҳеч шубҳасиз, барчамизни хурсанд қилди ва келгусида бу ишларни янада катта қўлаш ва кенг миқёсда давом эттиришга руҳлантирди.

Шунингдек, сув омборлари тармоғини кенгайтириш ҳисобидан лалии ерларни ўзлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилади.

Бунинг учун Тошкент вилоятида жами 45 миллион куб метр сув йиғиладиган "Паркентсой", "Қизилсой", "Тоштепа", Жиззах вилоятининг Фориш туманида "Караман", Қашқадарь вилоятида "Гулдара", "Аяқчирой", Самарқанд вилоятида "Булуғур" сув омборлари барпо этилади.

Келгуси икки йилда эса 1 миллион 200 минг гектар ернинг сув таъминоти барқарорлаштирилади, йилига 1 миллиард 700 миллион куб метр сув тежалади ва 600 минг гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланади. Биз учун ўта муҳим вазифа — қишлоқ хўжалиги учун юксак билим ва малакага эга бўлган олий ва ўрта махсус маълумотли кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштиришимиз лозим. Бу борада хориждаги

етақчи олий ўқув юртилари билан бирга қўшма факультетлар ташкил этиш, яқинда иш бошлаган "Эл-юрт умиди" жамғармаси орқали агро соҳа мутахассисларини, ёш кадрларни ривожланган хорижий мамлакатларда ўқитишга алоҳида аҳамият беришни замоннинг ўзи талаб этмоқда.

Келгуси йили қишлоқ хўжалигида 1 миллиард 870 миллион АҚШ доллари ҳажмидаги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш мўлжалланаётгани бу соҳадаги ишларимизнинг ҳажми ҳам, масъулияти ҳам нақадар юксак эканидан далolat беради.

Ўз олдимизга қўйган улкан вазифаларни адо этиш, мамлакатимизнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, халқимиз дастурхонини фаровон қилишдек олижаноб мақсад йўлида ҳаёт синовларида тобланган, мард ва матонатли фермерларимиз, Ўзбекистоннинг барча қишлоқ хўжалиги ходимлари бор билим ва тажрибаларини, қуч-ғайрат ва имкониятларини сафарбар этиб, ўзларини аямасдан меҳнат қилдилар, деб ишонаман.

Азиз дўстларим, ватандошларим!

Сизларни яна бир бор Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни билан чин дилдан табриклайман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, ишларингизга янги-янги ютуқлар, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Умрингиздан, меҳнатингиздан барака топин!

Кириб келаётган янги — 2019 йилда ҳосилимиз янада мўл бўлсин!

Қабул қилаётган барча режа ва дастурларимиз ижобат бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА РИВОЖИГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШГАН ЮРТДОШЛАРИМИЗДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик фидокорона меҳнати билан мамлакатимизнинг иқтисодий қудрати ва экспорт салоҳиятини янада мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалиги соҳаси ривожини янги босқичга кўтариш ва уни комплекс модернизация қилиш, соҳага инновацион технологиялар, замонавий илм-фан ютуқларини, кластер тизимини кенг жорий этиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, барча турдаги қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ва сифатли ҳосил етиштириб, эл-юрт фаровонлигини юксалтириш, дастурхонларимиз тўқинлигини таъминлашга қўшган муносиб ҳиссаси, аграр секторда ишловчиларни, давлат дастурларини муваффақиятли амалга ошириш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, экан майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасидаги катта хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қўйдиғалар фахрий унвон, орден ва медаллар билан мукофотлансин:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими»

Инамова Санобат Ахматовна — Чуст туманидаги «Санамжон Санобат» фермер хўжалиги бошлиғи, Наманган вилояти

Уматов Шавкат Турсунovich — Оқолтин туманидаги «Улуғбек» фермер хўжалиги бошлиғи, Сирдарё вилояти

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ирригатор»

Хужаев Холбек Ризаевич — «Нарпайдавсувмахсустудрат» давлат унитар корхонаси экскаватор машинисти, Самарқанд вилояти

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган чорвадор»

Хужанов Жаксимурат Каленович — Кониমেҳ туманидаги «Қушқудук-Дўстлик-Кумуш-сури» масъулияти чекланган жамияти бош чўпони, Навоий вилояти

«Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

Новицкий Зиновий Богданович — Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти лаборатория мудири

Нормурадов Холмамат — Термиз туманидаги «Термиз паррандачилик фабрикаси» масъулияти чекланган жамияти раиси, Сурхондарё вилояти

(Давоми 2-бетда).

МУРУВВАТ ВА БАФРИКЕНГЛИКНИНГ ЮКСАК ИФОДАСИ

Мамлакатимизда улуг айём ва саналар арафасида инсонийликнинг олий намуналаридан — афв амалларини қўллаш аънаънага айланиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 26 йиллиги муносабати билан ҳамда Конституциямизнинг 93-моддасига асосан, Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан «Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузаллиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида»ги Фармонга имзо чекилиши бунинг яққол ифодаси бўлди.



Бу сафарги ҳужжатта биноан афв этилган 136 нафар шахс тақдирини, шубҳасиз, муҳим бурилиш ясалди. Ўз ҳаётини тўғри йўлга қўйиб олишлари учун имкон берилди, ундан ҳам муҳими, 136 оиланинг бағри бут бўлди, хонадонларига ёруғлик инди. Индалласини айтганда, хатосини англаб, астойдил пушаймон бўлганларга муруват кўрсатилди. Афв этилган шахсларнинг

30 нафари жазодан тўлиқ, 26 нафари жазони ўташдан мuddатидан олдин шартли равишда озод қилинади, 42 нафарига тайинланган жазо енгилроғи билан алмаштирилади. Хуллас, 98 нафар шахс жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинади. Шунингдек, 38 нафарига тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазоси мuddатлари қисқартирилади. Яна бир маълумотга эътибор қаратиш зарур: афв этилганларнинг 6 нафари 60 ёшдан ошганлар, 2 нафари чет эл фуқаролари, 3 нафари аёллар ва 61 нафари тақчилланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахслардир.

ФИДОКОРОНА МЕҲНАТ САМАРАСИ

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ходимлари куни кенг нишонланмоқда.



Шавкат Мирзиёев (ўрта) билан қишлоқ хўжалиги ходимлари куни муносабати билан табриқланаётган қишлоқ хўжалиги ходимлари.

Дунёда шундай шарафли бир касб эгалари борки, юрт фаровонлиги, эл ободлиги, кўнгил хотиржамлиги уларнинг заҳматли меҳнати билан чамбарчас боғлиқ. Бу қадимий касб саналимиш деҳқончиликдир.

Жорий деҳқончилик мавсуми якунланаётган айни паллада Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни юртимизнинг ҳар бир ҳудудда ўзгача тантана қилиниб, ҳосил байрами ва сайиллар уюштириляпти. Шу боис айём шуқуҳи кириб бормаган жой қолмади. Зотан, ушбу кун наинки тақдирини ер билан боғлаган миришкор деҳқон ва фермерлар, сувчи ҳамда ирригаторлар, механизатор ва агрономлар, аграр тармоқ олимларининг, балки эртанги ҳаёти, турмуш фаровонлиги шу замин саховати билан бевосита боғлиқ бўлган барча юртдошларимизнинг қувончи шодийнаси ҳамдир.

Дарҳақиқат, буни англаш учун буюк мутафаккир бобоми Алишер Навоийнинг қуйидаги шохсатларини ёдга олиш kifоя: «Деҳқонки, дон сочар, ерни ёрмоқ била ризқ йўлин очар... Олам аҳли маъмуриги алардир, олам аҳли масруриги алардир. Ҳар қайи қил-

салар ҳаракот, элга ҳам кут еткурур, ҳам баракот». Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан декабрь ойининг иккинчи яшанбаси Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ходимлари куни этиб белгиланиб, ушбу байрам аънавий равишда нишонла-

наётгани ризқ-рўзимиз бунёдкорларининг машаққатли меҳнатига бўлган юксак ҳурматини ўзда мужассам этади. Қишлоқ хўжалигини модернизациялаш, экан майдонларини оптималлаштириш, соҳани сановатлаштириш аграр тармоқда олиб борилаётган ишловчиларнинг

устувор йўналишига айланган. Чунки кейинги йилларда кузатилаётган глобал иқлим ўзгаришлари оқибатида умддор ер майдонлари қисқариб кетаётгани, сув ресурслари танқислиги кузатилаётгани деҳқончиликка салбий таъсир кўрсатмай қолмаяпти. Қолаверса, Ер юзюда аҳоли сони ўсиб, истеъмол товарларига бўлган талаб ҳам тобора ортмоқдаки, бу озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳолига муҳим истеъмол товарларини узлуксиз етказиб бериш нақадар долзарб аҳамият касб этаётганини кўрсатиб турибди.

Ана шу ҳаёт ҳақиқати мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш, амалиётга замонавий ва интенсив агротехнологияларни қўллаш орқали эканлар ҳосилдорлигини оширишни тақозо этаётди. Натижада аънавий деҳқончилик билан чегараланиб қолинмасдан, кўпроқ даромад келтирадиган янги-янги тармоқлар ўзлаштирилиб, ташқи бозорда хариддориг маҳсулотлар етиштириш пайдидан бўлиняпти. Кейинги йилларда юқори самара бермаётган пахта ва галла майдонлари қисқартирилиб, эътибордан четда қолётган тармоқларни ривожлантириш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Аччиқ қалампир экила бошлангани, қизилмия, заъфарон, қовул плантациялари, унаби боғлари, шунингдек, лалмикор ерларда ёнғоқзор ва пистазорлар барпо этилаётгани шулар жумласидандир.

98 нафар шахс жазони ижро этиш муассасалардан озод қилинади.

- 30 нафари жазодан тўлиқ озод этилади,
- 26 нафари жазони ўташ мuddатидан илгари шартли озод қилинади,
- 42 нафари енгилроқ жазо билан алмаштирилади.

ДУНЁ НИГОҲИ

Ал-Азҳар шайхи: «ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ДИНИЙ ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШДАН МАНФААТДОРМИЗ»

Миср Араб Республикаси Ахборот агентлиги томонидан мамлакат Бош имоми, Ал-Азҳар мажмуаси раҳбари шайх Аҳмад Таййибнинг юртимизга амалга оширилган ташрифи якунларига бағишланган мақола эълон қилинди.



Унда меҳмоннинг Ўзбекистонда маърифий исломни ривожлантириш, буюк аждодларимизнинг дин соғлигини таъминлашга қўшган улкан ҳиссасини ўрганиш ва тарғиб этиш юзасидан амалга оширилаётган хайрли ишлар ҳақида таассуротлари берилган. Жумладан, Аҳмад Таййиб Президентимиз Шавкат Мирзиёев қабулида бўлгани ва унда бугунги кунда муқаддас ислом динининг бағрикенглик тамойилларини, маърифий қадриятларини тарғиб қилиш, унинг инсонларарлик моҳиятини асраш, диний-маънавий меросни тадқиқ этиш, хавф-хатарларга қарши курашиш борасида Ўзбекистон ва Мисрда катта ишлар қилинаётганини қайд этди.



тарғиб қилиш, унинг инсонларарлик моҳиятини асраш, диний-маънавий меросни тадқиқ этиш, хавф-хатарларга қарши курашиш борасида Ўзбекистон ва Мисрда катта ишлар қилинаётганини қайд этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҶА РИВОЖИГА
МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШГАН ЮРТДОШЛАРИМИЗДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Пайзиев Рустам — Ғиждувон туманидаги «Файз» фермер
хўжалиги бошлиғи, Бухоро вилояти

«Меҳнат шухрати»
ордени билан

Абзалов Мирадхам Фузайлович — Ўзбекистон
Республикаси Фанлар академияси Генетика ва ўсимликлар
экспериментал биологияси институти лаборатория мудири

Аминов Давлатбой Хажиевич — Хонқа туманидаги
«ФЕЕДГРАН» масъулияти чекланган жамияти раиси, Хоразм
вилояти

Ахмедов Алижон — Кўрғонтепа туманидаги «Оқ-сув»
фермер хўжалиги бошлиғи, Андижон вилояти

Бегматов Баходир Сафарович — Гулистон туманидаги
«Орол неъматлари» фермер хўжалиги бошлиғи, Сирдарё
вилояти

Бокиев Одил Содикович — «Ромитандавсувмаҳсуслудрат»
давлат унитар корхонаси экскаватор машинисти, Бухоро
вилояти

Жалилова Мавлуда Исмаиловна — Кармана туманидаги
«Алиқул-Қахрамон давомчиси» фермер хўжалиги бошлиғи,
Навоий вилояти

Мажидов Ахмат Наҳиддинович — Олтинсой туманидаги
«Янги турмуш» фермер хўжалиги бошлиғи, Сурхондарё
вилояти

Матякубов Искандар — Эллиқалъа туманидаги шахсий
томорқа ер эгаси, Қорақалпоғистон Республикаси

Усанов Ақтам Суванович — «Зарафшон» ирригация
тизимлари хавза бошқармасининг «Мианкал Тос» ирригация
тизими бўлими бошлиғи, Самарқанд вилояти

Халикулов Заир Ибрагимович — Арнасой туманидаги
«MTT SEA FOOD» масъулияти чекланган жамияти директори,
Жиззах вилояти

Хатамов Абдували — Бекобод тумани ветеринария
бўлими катта ветеринари, Тошкент вилояти

Хожахмедов Мамасабир — Риштон туманидаги
«Страус Фарм» қўшма корхонаси таъсисчиси, Фарғона
вилояти

Холёров Иброгим Туйчиевич — Қарши туманидаги
«Бахт» фермер хўжалиги бошлиғи, Қашқадарё вилояти

Худайбердиева Омина Инамовна — Мингбулоқ
туманидаги «Мулкобод орзулар диёри» фермер хўжалиги
ишчиси, Наманган вилояти

«Дўстлик»
ордени билан

Абдиллаев Тулеген — Тошкент ирригация ва қишлоқ
хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти
қишлоқ хўжалик машиналари кафедраси доценти

Безбородов Герман Александрович — Пахта
селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари
илмий-тадқиқот институти етакчи илмий ходими

Жиянов Саидмурод Сотиболдиевич — «Куйи Сирдарё»
ирригация тизимлари хавза бошқармасининг Сардоба
тумани ирригация бўлими бош гидротехниги, Сирдарё
вилояти

Жонабилов Маҳмуджон Пайзуллаевич — «Пахтакор
агросервис МТП» масъулияти чекланган жамияти
комбайнчиси, Жиззах вилояти

Курбаниязов Мурат Қожаметович — Қорақалпоғистон
Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
агротадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи

Кучкаров Жумабай — Тошкент давлат аграр
университети деҳқончилик ва мелиорация кафедраси
доценти

Муҳаммадиев Умит Гайратович — Фарғона туманидаги
«Водил ипак йиғирув» шўъба корхонаси директори
ўринбосари, Фарғона вилояти

Насибуллина Фарида Рафиковна — Юқори Чирчиқ
туманидаги «Олтинқўз дурдонаси» масъулияти чекланган
жамияти биологикалар мудири, Тошкент вилояти

Оллаберганов Оллаберган Ражабович — Хива
туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Хоразм вилояти

Рахимов Кахрамон Байматович — Қашқадарё вилояти
асаларичилар уюшмаси аъзоси

Саидов Юсуп Маматович — «Аму-Сурхон» ирригация
тизимлари хавза бошқармасининг Узун тумани ирригация
бўлими бошлиғи, Сурхондарё вилояти

Салимова Назакат Астановна — Олот туманидаги
«Хидро бобо» фермер хўжалиги пиллачиси, Бухоро вилояти

Сулайманов Абдумуталиб Кучкарович — Андижон
вилояти қишлоқ хўжалиги бошқармаси мева-сабзавотчилик,
узумчилик ва картошкачилик бўлими бошлиғи

Халимов Комилджон Рашидович — Самарқанд
туманидаги «Оқ амул баллиқлари» фермер хўжалиги бошлиғи,
Самарқанд вилояти

Хасанов Содиков Дехқонбаевич — Чуст туманидаги
«Барака мева саноат сервис» масъулияти чекланган жамияти
раиси, Наманган вилояти

«Шухрат»
медали билан

Бабаев Бабожон Хажиевич — Урганч туманидаги
«Хоразм кўён савдо» масъулияти чекланган жамияти
раҳбари, Хоразм вилояти

Бабаханов Бахриддин Сулайманович — Қумқўрғон
тумани ветеринария бўлими участка бошлиғи, Сурхондарё
вилояти

Джуманазаров Алишер Рустамович — Нукус
туманидаги «Nikus Agro Imprex» масъулияти чекланган
жамияти директори, Қорақалпоғистон Республикаси

Карамова Тамара Асеновна — Кегейли туманидаги
«Бўзатов» давлат ўрмон хўжалиги ўрмонбегиси,
Қорақалпоғистон Республикаси

Кимсанов Хасанбой Бурибоевич — Жалақудуқ
туманидаги «Ал-Хасанбой бек боғи» фермер хўжалиги
бошлиғи, Андижон вилояти

Куватов Камардин Таджидинович — Андижон
шаҳридаги «Сапфир саноат» масъулияти чекланган жамияти
директори, Андижон вилояти

Кучкарова Шарафат Райимовна — Фаллаорол
туманидаги «Фаллаорол агро пилла» масъулияти чекланган
жамияти пиллачиси, Жиззах вилояти

Норова Шоира Мухторовна — Қорақўл туманидаги
«Эргаш Рахимов Плюс» фермер хўжалиги ишчиси, Бухоро
вилояти

Орзикулов Кенжабай Назарович — Бахмал туманидаги
«Bakhtal Fruit Growing» фермер хўжалиги бошлиғи, Жиззах
вилояти

Оттаджанов Курбан Хасанович — Олтиариқ туманидаги
«Шоҳимардон» фермер хўжалиги бошлиғи, Фарғона вилояти

Ризокулов Хусниддин Салимтошев — Хатирчи
туманидаги «Умид-27» фермер хўжалиги бошлиғи, Навоий
вилояти

Рихсиева Гулнара Миролимовна — Паркент туманидаги
«Замона Раёно» масъулияти чекланган жамияти ижрочи
директори, Тошкент вилояти

Рўзибоев Хамид Абдусаматович — Урганч туманидаги
«Рўзибоев Хомид» фермер хўжалиги бошлиғи, Самарқанд
вилояти

Сайдахметов Олимхўжа Хамитович — Чиноз
туманидаги «Саидахмедов Хамид» фермер хўжалиги бошлиғи,
Тошкент вилояти

Ташматов Абдирашит Тулабаевич — Миришкор
туманидаги «Тожиқистон» сув истеъмолчилар уюшмаси
сувчиси, Қашқадарё вилояти

Удаков Умрбек Шомуратович — «Боғот агро МТП»
масъулияти чекланган жамияти механизатори, Хоразм
вилояти

Хакбердиев Содиқ Сайфиддинович — Нарпай
туманидаги «Пахтакор» фермер хўжалиги бошлиғи,
Самарқанд вилояти

Ходжаев Носир Косимович — Наманган шаҳридаги
«Шифо» масъулияти чекланган жамияти директори
ўринбосари, Наманган вилояти

Хошимов Шерхон — Бувайда туманидаги шахсий
томорқа ер эгаси, Фарғона вилояти

Шарипов Кабил Камиддинович — Китоб туманидаги
«Шарипов Қобил Камиддинович» фермер хўжалиги бошлиғи,
Қашқадарё вилояти

Эшанкулов Бахтиёр Абдуллаевич — Мирзаобод
туманидаги «Бек кластер» масъулияти чекланган жамияти
сувчиси, Сирдарё вилояти

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 8 декабрь

ФИДОКОРОНА МЕҲНАТ САМАРАСИ

Соҳага бозор механизмлари,
хўжалик юритишнинг инновацион
усуллари қўлланилаётгани, энг
асосийи, деҳқон ва фермерларнинг
фидокорона хизматлари самараси
ўлароқ, бу йилги табиат инжиқлик-
ларига қарамай, жами 58 триллион
181 миллиард сўмлик қишлоқ хўжа-
лиги маҳсулотлари етиштиришга му-
ваффақ бўлинди.

суми сарҳисоб қилинаётган айни
чоғда соҳада эришилган ютуқлар
билан бирга, йўл қўйилган хато ва
камчиликлар ҳам таҳлил этилмоқда.
Келгусида эса салбий ҳолатларнинг
олдини олиш юзасидан аниқ чора-
тадбирлар белгиланяпти. Айниқса,
инновацион ишлаб чиқаришнинг
занжирли усули — кластерни кен-
роқ қўллаш мақсадга мувофиқ экан-
лигини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқ-
да. Чунки дастлаб пахтачилик тар-
моғида қўлланилган ушбу тажриба

юқори самара бера бошлади.
Шунинг учун ҳозирги пайтда рес-
публикамизда фаолият юритаётган
152 минг 700 га яқин, хусусан, пах-
тачилик ва галлчиликка ихтисос-
лаштирилган қарийб 5,5 мингта
фермер хўжаликларида кластер усу-
лини омдалаштириш сазй-ҳаракат-
лари қўриляпти.
Маълумотларга қараганда, ҳаде-
май, кластер жорий этилган ту-
манлар сони 70 тага етиб, хом
ашёни чуқур қайта ишлашга ихти-

сослаштирилган 41 замонавий
корхона барпо этилиши, 23 минг-
та иш ўрни очилиши кутиляпти. Бу
қаби лойиҳалар эвазига 2019 йил-
да мамлакатимизда ишлаб чиқар-
илган пахта толасининг 78 фоиз-
ини ўзимизда қайта ишлашга
эришилади. Бундан ташқари,
2020 йилга бориб толани тайёр
маҳсулотга айлантириш ҳажми
40 фоиздан 60 фоизга етказили-
ши мўлжалланаётди.
Бу бежиз эмас, албатта. Негаки,

интенсив ва инновацион усуллар
жорий йилдагидек деҳқончилик учун
мурақаб қелган об-ҳаво шароитида
сув ва ер ресурсларидан оқилона
фойдаланиш, экинларни тўри жой-
лаштириш, пировардида мўлжалда-
ги ҳосилни етиштириш имконини
беради.
Жойларда ташкил этилаётган бай-
рам тадбирларида шу каби долзарб
масалаларга атрофлича тўхталиб
ўтиляпти.

Мамлакатимизда жорий мавсумда
жами 58 триллион
181 миллиард сўмлик
қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари
етиштирилди.

- Жумладан:
6 миллион 124 минг тонна галла,
2 миллион 300 минг тонна пахта,
8 миллион 661 минг тонна сабзавот,
2 миллион 411 минг тонна картошка,
1 миллион 607 минг тонна
полиз маҳсулотлари,
2 миллион 100 минг тоннага яқин мева,
1 миллион 314 минг тонна узум,
18 минг тонна пилла,
1 миллион 789 тонна гўшт,
7 миллион 830 минг тонна сут
тайёрлашга эришилди.

НОЗ-НЕЪМАТЛАРИМИЗГА
ХОРИЖЛИКЛАР ҲАМ МАФТУН

Сурхондарёлик қишлоқ хўжалиги ходимларининг касб байрамига бағишланган тадбир
Термиз шаҳридаги санъат саройида бўлиб ўтди.

Давлат ва жамоат ташкилотлари, фермер, деҳқон хўжаликлари раҳбарлари, томорқа ер
эгалари, меҳнат фахрийлари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари жам бўлган ушбу тадбирда
таъкидланганидек, дастурхонимиз файзу баракаси, бозорларимиз тўкин-сочинлиги, шубҳасиз,
қишлоқ хўжалиги ходимларининг баракали меҳнати маҳсулларидир.

Шу боис ҳам мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, соҳа ходимлари
меҳнатини муносиб рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, кўп тармоқли
фермер хўжаликларини ташкил этиш, инновацион технологиялардан унумли фойдаланиш
орқали етиштирилаётган маҳсулотларни қайта ишлаш, экспорт қилишга доир ишлар тамомила
янги босқичга кўтарилди.

Айни пайтда вилоятда 9 минг
800 дан ортик фермер хўжаликлари
фаолият кўрсатаётган бўлса, кейин-
ги икки йилда кўп тармоқли фермер
хўжаликлари сони 2 минг 860 тага
етказилди. Натижада қишлоқ жой-
ларда 6200 та иш ўрни яратилди.
Бу йилги об-ҳавонинг ноқулай
келганига қарамай, вилоятда
514 минг тонна галла етиштирилиб,
шундан 261 минг тоннаси давлатга
сотилгани кувонарлидир. Шунингдек,
152 минг тоннадан зиёд пахта,
1 минг 515 тонна пилла, 1 миллион
476 минг тонна мева-сабзавот ва
полиз, 119 минг тонна гўшт ва
527 минг тонна сут маҳсулотлари
ишлаб чиқарилди. Эътиборли томо-
ни шундаки, етиштирилган қишлоқ
хўжалиги маҳсулотларининг 6 минг
500 тоннаси қайта ишланиб, 3 мил-
лион 407 минг долларлик тайёр маҳ-
сулот, 163 минг 500 тонна ҳўл мева
экспорт қилинди.

Тантанали тадбирда қишлоқ хўжа-
лигини ривожлантириш, мўл-кўл
ҳосил етиштиришда самарали меҳ-
нат қилаётган бир гуруҳ соҳа фидо-
йилари жорий йилда таъсис этилган
«Ўзбекистон Республикаси қишлоқ
хўжалиги фидойиси», «Илғор фер-
мер», «Намунали томорқачи» кўрак
нишонлари, Қишлоқ хўжалиги ва Сув
хўжалиги вазирликлари, Фермер,
деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер
эгалари кенгаши ҳамда вилоят
ҳокимлигининг фахрий ёрлик, ташак-

курнома ҳамда қимматбаҳо эсдалик
совғалар билан мукофотланди.
— Биз, қишлоқ хўжалиги ходимла-
рига бўлган эътибор, яратиб бери-
лаётган шарт-шароитлар ҳар бир
деҳқонни омилкорлик билан ишлаш-
га ундамоқда, — дейди Ўзбекистон
Қахрамони, Ангор туманидаги «Саид-
носирхон» фермер хўжалиги раҳбари
Исахон Бахромов. — Бугунги кувончи-
ли кунда, «Ўзбекистон Республикаси
қишлоқ хўжалиги фидойиси» кўрак
нишони кўксимга тақилган чоғда кўз
ўнгимдан мавсум машаққатлари бир-
бир ўта бошлади. Ахир ноқулай об-
ҳаво шароити деҳқонларни жиддий
синовдан ўтказди. Бугун ҳар бир ми-
ришкор ундан тўри хулоса чиқари-
ши керак. Чунки ишининг кўзини
билиб, илғор усул ва тажрибаларни
қўллаш ютуқлар гарови бўлади. Фер-
мер хўжалигимизнинг фаолияти ми-
солида бунга кўп марта амин бўлган-
ман. Бу йил ҳам шартнома режасида
белгиланган галла ва пахта ҳосилни
етиштиришга эришидик. Даромадлари-
миз ҳам шунга яраша юқори бўлди.
Бугунги мукофот эса янада гай-
рат-шижоат билан меҳнат қилишга,
эл-юртимизга кўпроқ наф келтириш-
га рағбат беради.
Қишлоқ хўжалиги ходимларини
тақдирлашга бағишланган маросим
таниқли санъаткорлар ва ёш ижро-
чилар иштирокидаги концерт дасту-
рига улашиб кетди.
Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунин

байрами бугун юртимизнинг барча
худоида, Қорақалпоғистон Респуб-
ликаси ва вилоятларда давом эта-
ди. Унинг доирасида деҳқон, фер-
мер ҳамда томорқачилар томонидан
етиштирилган ноз-неъматлар
кўргазмалари, арзонлаштирилган
қишлоқ хўжалиги ҳамда озиқ-овқат
саноати маҳсулотлари савдо-ярмар-
калари ташкил этилади. Миллий
ўйинлар, турли мусобақалар
уюштирилади.
Умуман олганда, ҳар бир ҳудуд
байрамни ўзига хос тарзда нишон-
лаш учун жиддий ҳозирлик кўрган.
Масалан, Қорақалпоғистон Респуб-
ликаси ва Хоразм вилоятида
1000 килограммга яқин ош дамла-
ниб элга тарқатилади. Нукус шаҳри-
даги Марказий ипподромда эса улоқ
ва от чоптириш мусобақалари ўтка-
зилиб, унинг ғолиблари «Cobalt» ва
«Spark» автомобиллари, 5 та мото-
цикл, шунингдек, бошқа қимматбаҳо
совғалар билан тақдирланиши кўзда
тутилмоқда.
Байрам тадбирлари сайилларида
таниқли санъаткорлар ва сўз уста-
лари иштирокида маданий дастур-
лар ҳам намойиш этилади.
Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунин
байрами юртимизда ана шундай
ўзгача кайфиятга уюшқоқлик билан
нишонланмоқда.

Саид РАҲМОНОВ,
Илҳом РАҲМАТОВ,
«Халқ сўзи» мухбирлари.

Ёшлар
пресс-клуби
Фермерлар
чет элда
малака оширади

Бу ҳақда Ёшлар
пресс-клубининг
«Хорижий ҳамкорлик:
ёш фермерлар
фаолиятига замонавий
техника ва
технологиялар жорий
этишнинг
истикболлари»
мавзусида ўтказилган
навбатдаги сессиясида
маълумот берилди.

Ўзбекистон ёшлар итти-
фоки муассислигидаги Ёш
фермерлар кенгаши ҳамда
қатор халқаро ташкилотлар-
нинг Ўзбекистондаги ваколат-
хоналари ҳамкорлигида таш-
кил этилган тадбирда ёш
фермерлар фаолиятига IT
технологияларини жорий
қилиш, уларни хорижда ма-
лака оширишга юбориш, мод-
дий қўллаб-қувватлаш каби
масалалар муҳокама қилинди.
Шунингдек, чет давлатларда
қишлоқ хўжалигини замона-
вий талаблар асосида ривож-
лантириш бўйича янги тажри-
баларни ўрганиб кайтган ёш
фермерлар ўз таассуротлари,
олган билим ва қўникмалари-
ни тенгдошларига сўзлаб
берди.
— Шу йили март ойида
Туркиянинг Конья шаҳрида
бўлиб ўтган халқаро қишлоқ
хўжалиги техникалари кўргаз-
масида иштирок этдик, —
дейди Илёс Сафаров. — Ушбу
тадбир катта тажриба, маҳор-
ат мактаби бўлди. Техника-
лар билан танишар эканмиз,
ўзимизда жорий қилса бўла-
диган инновацион усуналар-
ни ўргандик ва бу ерда тат-
биқ этишни мақсад қилдик.
Масалан, Туркияда кўбш
энергиясида ишлайдиган, да-
лаларга сув чиқариб берувчи
мосламалар жорий қилинган
экан. Мана шу лойиҳани ўзи-
мизда ҳам амалга оширса
бўлади. Бу катта харажат та-
лаб этмайди. Қолаверса, қўл
меҳнатини тежайди. Мен кел-
гусида мазкур ғояни амалга
ошириш ниятидаман.
Шунингдек, тадбирда жо-
рий йилда саккиз нафар ёш
фермер Япония давлатида
ташкил этилган ўқув курсла-
рида катнашганлиги таъкид-
ланди. Ҳозир улар туманлар-
да йўлга қўйилган «Ёш фер-
мерлар мулоқот клуби» да
ёшларга Кўнчқар юрт таж-
рибасини ўргатмоқдалар.

Юлдуз
ЎРМОНОВА.

ДУНЁ НИГОҲИ

Ал-Азхар шайхи:

«ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ДИНИЙ ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШДАН МАНФААТДОРМИЗ»

Аҳмад Таййибнинг фикрига кўра, Ислому уммати ёшлари Ўзбекистондан етишиб чиққан буюк алломалар, уларнинг бой маънавий мероси билан яқиндан танишишга катта эҳтиёж сезмокда.

мустаҳкамлашдан манфаатдор. Шунингдек, меҳмон Ўзбекистон халқаро ислом академиясига ташрифи давомида қатор масалалар бўйича манфаатли келишувларга эришганидан мамнунлигини билдирди.

Ўз навбатида, Ўзбекистонда сўнгги икки йил давомида турли соҳаларда, айниқса, диний-маърифий йўналишда улкан ўзгаришлар юз бергани эътироф қилинади.


ган Ўзбекистонда ўзаро ҳурмат ҳамда ишонч тамойилларига асосланган мўтадил диний қарашларни янада мустаҳкамлаш мақсадини кўзлайди.

Шаҳзод ИСЛОМОВ тайёрлади.

«ЎЗБЕКИСТОНДАГИ МЕЪМОРИЙ ОБИДАЛАРДА ШАРҚ ВА ҒАРБ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ УЙҒУНЛИГИ МУЖАССАМ»

Юртимизда туризмни янада ривожлантириш, унинг халқаро миқёсдаги имиджини шакллантириш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилади. Бу каби ижобий ўзгаришлар натижасида мамлакатимизга келиб, халқимизнинг бой маданияти ва анъаналари билан яқиндан танишиш, бебаҳо табиатимиздан баҳра олиш истагида бўлган сайёҳлар сафи тобора кенгайиб бормоқда.


Адриен ПИТЕРС (Бельгия): — Дўстларимдан бири юртингизга саяхат қилган экан, жуда мақтади. Худди эртақлар мамлакатига ўхшайди, деди. Очиғи, роса иштиёқим ошиб, ўз кўзим билан кўргим келди.



Ютуқлари сифатида бунёд этилган иншоотлардир. Уларда маданият, маърифат, илм мужассам. Бу туризм учун катта имкониятдир. Мамлакатда айни пайтда сайёҳликни ривожлантиришга жуда катта эътибор

қаратилади ҳақида гид айтиб берди. Виза тартиби соддалаштирилгани тўғрисида интернетдан ўқигандим. Бу ерга келиб меҳмонхоналар, транспорт тизими ривожлантирилгани, туристик йўналишлар кўпайтирилгани тўғрисида билиб олдим.

бозордаги сархил мева-ларнинг турли-туманлигини кўриб, лол қолдим. Сотувчилар, айниқса, чет эллик меҳмонларга алоҳида илтифот кўрсатишар экан. Олма, анор, узум сотиб олгандим.



Ишик УҒУРЛУ (Германия): — Бизнинг "Evcetur" компания-миз маданий туризм билан шуғулланади ва касбим тақозоси сабабли юртингиз тарихи, маданий қадриятлари ҳақида муайян тасаввурга эгаман.

— Бизнинг "Evcetur" компания-миз маданий туризм билан шуғулланади ва касбим тақозоси сабабли юртингиз тарихи, маданий қадриятлари ҳақида муайян тасаввурга эгаман. Бу — Имом Бухорий, Нақшбандий, Мотуридий, Ибн Сино, Амир Темур каби улғў зотларга бешик бўлган юрт. Ўзбек халқи, шунингдек, дунёга бағрикенглиги, эзгу фазилатлари билан ҳам танилган.

Ш. УЛУҒОВ («Халқ сўзи») ёзиб олди.

Номан МЕМОМ (Покистон): — Ўзбекистонга иккинчи бор келишим. Мендан саяхат учун нега айнан шу ерни танлагингиз, деб сўраша, бу юрда тарих, бугун ва келажак, ҳаёт ҳикмати, Шарқ ҳамда Ғарбда қарор топган тамаддун уйғунлиги бор, дея жавоб берган бўлардим.

моқда. Шу маънода, дини, миллати ва ирқидан қатъи назар, ўзаро аҳилликда яшаётган халқингизга ҳавас қилса арзийди. Одамлари ҳам хушфелъ, самимий ва бағрикенг.

Юртингизга ташриф буюрган сайёҳ ўзини эркин, хавфсиз ҳис этади. Туризмни ривожлантириш йўлида яратилаётган шaroитлар ҳам эътиборга молик. Масалан, туристларга кўмак бериш учун ички ишлар ходимларидан таркиб топган хизмат йўлга қўйилган диққатга сазовор. Қисқаси, мамлакатингизга келган киши, албат-



та, олам-олам таассурот билан қайтади. Уйлайманки, бу Ўзбекистонга сўнгги саяхатим эмас.

МУРУВВАТ ВА БАҒРИКЕНГЛИКНИНГ ЮКСАК ИФОДАСИ



Ана шулардан бири — Жиноят кодекси 159-моддаси билан озоликдан маҳрум этилган Алишер Мухторов. У 1975 йилда Самарқанд вилоятида туғилган. Маълумоти — олий, муқаддам 2 марта ба судланган. Икки ўғил, бир қизинг отаси. Жами 19 йил умрини жазони ижро этиш муассасасида ўтказди. 21 ёшга кирган катта фарзандининг болалиги, вояга етган чоғи, қолганларининг эрқаланиб қилган шўхликларини кўрмаган. Энди буниси — армон. Фармон имзоланган куннинг ўзида озоликка чиққан Алишернинг надомати, ҳавога совурилган умрининг бесамар йиллари учун чеккан андуҳига қулқ тутдик...

Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш лозимки, бу галги ва ундан аввалги, яъни мамлакатимиз мустақиллигининг 27 йиллиги арафасида қабул қилинган афв тўғрисидаги ҳужжатлар ижроси давлатимиз раҳбарининг жорий йил 8 майдаги Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида афв этишни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низом талаблари асосида олиб борилмоқда.

лотлари вакилларининг кечиктириб бўлмас вазифасидир.

Шу боис ушбу масала Фармонда алоҳида белгилаб қўйилган. Яъни афв этилганларни оиласи ҳамда яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга тўла мослашиб, меҳнат билан шуғулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятдан муносиб ўрин топишлари учун уларга кўмак бериш бўйича масъул вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларига тегишли топшириқлар берилди.

Аслида аёл ҳамда жиноят сўзларини ёнма-ён қўллаш тил бормади. Афв этилганлар орасида уч нафар аёл киши ҳам бор. Бир қарашда бу рақам оз кўринади. Аммо уйига қайтиб келётган эркаклар ҳам эшик санаб,

АФВ ЭТИЛГАНЛАРНИНГ

- 6 нафари — 60 ёшдан ошган шахслар,
2 нафари — чет эл фуқаролари,
3 нафари — аёллар,
61 нафари — тақиқланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахслар.

йўқлигини изоҳлаб ўтиришга ҳоҷат бўлмас керак. Бир пайтлар жазоланган, эндиликдаги собиқ маҳбуслар ҳам "муслиҳадек беозор" бўлиб, ҳолва еб юргани учун аристон қилинмаган. Шундайку-я, аммо бу — унинг бутун ҳаёти абор бўлиб, расво-ю радди бало бўлмоғи керак, дегани ҳам эмас. Гап озоликка қайтган юртдошларимизнинг қамондан кейинги ҳаёти тўғрисида кетмоқда. Замонавий тилда "ижтимоий реабилитация" дейишди бун. Улар ўзини катта ҳаётга қўйириши, одамларга қўйириши, жамиятга мослашиши керак. Бу борада уларни беғонадек кўриб ажратиб қўймасдан, ҳар томонлама кўмаклашиш муҳим ҳисобланади. Буниси энди маҳалла-қўй, қўни-қўшни, қавму қариндош, умуман, давлат ва жамоат ташки-

бошқа жойга эмас, рўзғори, аёлино бола-бақраси олдиға бораётганлигини ҳисобга олсак, қанчадан қанча опа-сингилларимизнинг кўзида қувонч балқиганини англаш қийин эмас. Бу — турмушининг бор юксини нозик елкасида кўтариб келаятган аёллар бағрига офтоб теги, суянган тоғи қайтиб, энди рўшнолик кўради, деганидир.

Фармоннинг айнан Конституция кўни арафасида қабул қилинишида ҳам ўзига хос маъно бор. Асосий Қонунимиз тимсолада афв этилган шахсларда бундан кейинги ҳаётида қонунларга нисбатан ҳурмат руҳини шакллантириш муҳимасам.

Хуллас, шунча юртдошимиз афв этилди. Уларнинг бундан кейинги ҳаёти қандай бўлиши энди кўп жihatдан ўзларига боғлиқ.

Бош прокуратура ҳузуридаги Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази материаллари асосида Зокир ХУДОЙШУКУРОВ тайёрлади.

ЭЪЛОНЛАР

«Ипотека-банк» АТИБ танлов эълон қилади.

«Ипотека-банк» АТИБ 2019 йил обунаси учун бош офисга Ўзбекистон ва чет элда чоп этиладиган даврий нашрларни ўз вақтида етказиб берувчи ҳамда шу соҳада сифатли хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида танлов эълон қилади.

Даврий нашрларни етказиб берувчилар учун талаблар куйидагича:

- Ўзбекистон ва чет элда чоп этиладиган газета ҳамда журналларни «Ипотека-банк» АТИБ бош офисига соат 8.30 га қадар етказиб бериш;
банк раҳбарияти учун белгиланган нашрларни алоҳида пакетда етказиб бериш.

Тижорат тақлифлари алоҳида конвертта жойланган ва корхона муҳри билан тасдиқланган ҳолда 2018 йил 12 декабрь соат 13.00 га қадар куйидаги манзилда қабул қилинади:

100000, Тошкент шаҳри, Шахрисабз кўчаси, 30-уй. Мурожаат учун телефон: 78-150-26-66.

Хизматлар лицензияланган.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МИЛЛИЙ РАҚС ВА ХОРЕОГРАФИЯ ОЛИЙ МАКТАБИ БУШ ЎРИНЛАРГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

- 1. «Хореография» кафедраси профессори (1 ўрин)
2. «Хореография» кафедраси доценти (1 ўрин)
3. «Хореография» кафедраси катта ўқитувчиси (1 ўрин)
4. «Хореография» кафедраси ўқитувчиси (1 ўрин)
5. «Санъат назарияси ва тарихи» кафедраси доценти (1 ўрин)
6. «Санъат назарияси ва тарихи» кафедраси катта ўқитувчиси (1 ўрин).

ТАНЛОВДА ҚАТНАШИШ УЧУН КУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР ТАҚДИМ ЭТИЛИШИ ЛОЗИМ:

- 1. Ректор номига ариза.
2. Ходимнинг шахсий варақаси.
3. Маълумоти, илмий даражаси, илмий унвони ҳақидаги динлом нусхалари.
4. Паспорт нусхаси.
5. Илмий ишлар рўйхати (илмий котиб томонидан тасдиқланган ҳолда).
6. Малака оширганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.
7. Меҳнат дафтарчасининг нусхаси.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддатда қабул қилинади.

Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 31-уй. Телефонлар: 71-256-36-91, 71-256-24-36.

Акциядорлик тижорат Халқ банки Тошкент шаҳар филиали

Амалиёт бўлими ҳар хил турдаги ютуқли лотерея билетларини аҳоли ўртасида сотишни ташкиллаштириш учун мустақил сотувчи фуқароларни шартнома асосида ишга тақлиф этади.

Сотилган ҳар битта лотерея билетлари учун сотилган лотерея қийматининг 10% (ўн фоиз) гача бўлган миқдорда Халқ банки томонидан мукофот пули тўланишини маълум қиламиз. Мустақил сотувчи бўлишни хоҳлаган фуқаролар куйидаги манзилларга мурожаат этишлари мумкин:

Table with 5 columns: №, Филиал номи, Филиал жойлашган туман, Филиал манзили, Тел. рақамлари. Lists 11 branches across various districts like Mirzobod, Shaykhonohur, Mirzo Ulugbek, Yunusobod, Chilonzor, Sergeli, Yashnobod, Olmazor, Uchtepa, Bekteмир, and Yakkasaroy.

Хизматлар лицензияланган.

ЭЪЛОН

2018 йил 27 декабрь кўни online видеоконференция форматада Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг навбатдан ташқари курултойи ўтказилади.

Кун тартиби:

- 1. Савдо-саноат палатаси ва унинг ҳудудий бошқармаларининг 2019 — 2021 йилларга мўлжалланган асосий фаолият йўналишлари.
2. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.
3. Тафтиш комиссияси аъзоларини тайинлаш.
4. Бошқа масалалар.

Курултой 2018 йил 27 декабрь кўни соат 10.00 да Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси мажлислар залида бошланади.

10 декабрь — Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси қабул қилинган кун



Қалбга ғурур бағишлайди, янги марраларга ундайди

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шoirи Абдулла Орипов шeъри, Ўзбекистон халқ артисти, атоқли композитор Мутал Бурҳонов мусиқаси асосида яратилган Мадҳиямиз халқимизнинг асрий орзулари, келажакка ёруғ умиди ва мустақкам ишончини теран ифодалаган. Шу боис қалбимиздан чуқур жой олган.

Мадҳиямиз таълим масканларида ёш авлодни ватанпарварлик руҳида камол топтиришга хизмат қилмоқда. Энди ҳарф таний бошлаган жажжи фарзандларимиз миллатимизнинг Бош кўшигини куйлаганини кўргансиз, бунга жуда кўп гувоҳ бўлгансиз. Қандай ҳаяжонли дамлар бу, шундай эҳсамми? Бундай лаҳзаларда жонажон Ватанимизда аждодларга муносиб, миллатпарвар авлод вояга етаётганига яна бир бор амин бўламиз.

— Мусобақаларда галабам шаънига давлатимиз байроғи кўтарилиб, мадҳиямиз янграганида кувонч ва ҳаяжондан кўзларимга ёш келади, — дейди XXXI ёғи Олимпия уйинларининг бокс бўйича олтин медали соҳиби Хасанбой Дўсматов. — Серкўёш Ватан фарзанди, дунёга мардлик ҳамда жасорат бобида ибрат бўлган улуг зотлар авлоди эканимдан ғурурланаман. Доим шунга муносиб бўлишга интилам.

Дарҳақиқат, Мадҳиямиз вужудимизга она сўти, алласи ва улуг аждодларимиз ўғити билан кирган бемисл миллий қудрат, мустақкам иродани эслатиб туради. Бу мустақкамимизни мустақкамлашга, бугунги эркин ва фаровон ҳаётимизнинг қадрига етишга, уни асраб-авайлашга ундайверади.

Дилшод КАРИМОВ.

МАДАНИЯТ ВА САЊЪАТ ТАРАҚҚИЙ ЭТМАСА, ЖАМИЯТ РИВОЖЛАНМАЙДИ

Мамлакатимизда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан барча соҳада ҳаётга татбиқ этилаётган истиқболли лойиҳалар, жойларда амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ишлари халқимизнинг нафақат турмуш тарзини, балки дунёқарашини ҳам тубдан ўзгартирмоқда.

Бундай эзгу жараёни маданият ва сањъат ривожига, ижод аҳлига кўрсатилаётган юксак эътибор мисолида ҳам кўриш мумкин. Сўнги икки йилда мазкур соҳага тааллуқли 20 га яқин Фармон ва қарорлар қабул қилинди. Улар ижроси юзасидан саъй-ҳаракатлар олиб борилляпти. Президентимизнинг жорий йил 28 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори ушбу жабҳадаги мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этишга қаратилган муҳим ҳужжат сифатида алоҳида аҳамиятга эга.

рилайтган чора-тадбирлар дастури, 2019 — 2022 йилларда янги қуриладиган, реконструкция қилинадиган, капитал таъмирланадиган ва тўлиқ жиҳозланадиган маданият марказларининг манзилли рўйхати ҳам тасдиқланди.

Албатта, буларнинг барчаси миллий маданиятимизни янада ривожлантириш концепцияси мамлакатимиз маданий ҳаётида нақадар катта аҳамият касб этишини ифода қилиб турибди. Зеро, у соҳада тўпланиб қолган жиддий муаммоларни бартараф этишда ҳам дастуриламал бўлади. Мисол учун,

ник усқуналар билан жиҳозланган иختисослаштирилган “Автоклуб” транспорт воситаси 2019 йилда Навоий ва Андижон вилоятларида Давлат бюджет тўғрисида олиб берилиши режалаштирилган. Келгусида эса республикамизнинг барча ҳудуди шундай автоклублар билан таъминланади.

Маданий хизматнинг бундай замонавий усули халқимиз маънавий-руҳий эҳтиёжларини тўлақонли қондиришда ўзининг ижобий натижасини бериши, шубҳасиз, Чўки автоклублар концерт-томоша фаолияти билан чекланиб қолмай, чекка ҳудудлар аҳолисига китоб-

Концепцияга биноан, 2019 — 2022 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида 26 та маданият маркази янгидан қурилади, 45 таси реконструкция қилинади, 45 таси капитал таъмирланади. Шундай қилиб, уч йил ичида 147 та маданият маркази зарур воситалар билан тўлиқ таъминланган замонавий биносига эга бўлади. Қолганлари ҳам босқинча-босқинча янгиланади, таъмирланади ва жиҳозланади. Шу билан бирга, қарорда Маданият вазирлиги томонидан аънавий равишда “Халқ чолғулари ижрочилари”, Муқаррама Турғунбоева номидаги “Миллий ракс ижрочилари” ва Юнус Ражабий номидаги “Еш мақом ижрочилари” республика кўрик-танловларини ўтказиш, ҳар йили 21 — 27 март кунлари “Театр томошалари ҳафталиги”ни аҳоли учун бепул ташкил этиш, ЮНЕСКОнинг Бутунжапон маданий мероси объектлари рўйхатидан Буюк Ипак йўлининг мамлакатимиздан ўтган қисмини “Ипак йўли: Зарафшон дарёси воҳаси” ва “Ипак йўли: Фарғона — Сирдарё ҳавзаси” номи ҳамда Ўзбек халқининг кўна ва бетакор сањъати намунаси бўлган Хоразм “Лазги”сини “Хоразм ракси — Лазги” номи остида ЮНЕСКОнинг Инсоният номиди маданий меросининг репрезентатив рўйхатига киритиш каби қатор вазифалар ҳам белгилаб қўйилган.

Юртимизда халқимиз маданиятини юксалтириш, сањъатни янада раванқ топтириш борасида яратилаётган бежикс имкониятларини санаб адоғига етиб бўлмайди. Буларни дилдан ҳис қилиб, теран идрок этишимиз жойсиз. Зотан, асрларга татигулик бундай ибратли ишлар билан ҳар қанча ғурурлансак арийдим. Биздан талаб этиладиган эса миллий маданиятимизнинг янада раванқ топиши учун фидокорона хизмат қилишдир. Чўки миллий маданиятни юксак халқ жаҳон ҳамжамиятида мустақкам мавқега эга бўлади.

Азамат ҲАЙДАРОВ, Республика маданият муассасалари феолиятини ташкил этиш илмий-методик маркази директори, профессор.

Муносабат

Бинобарин, давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, мамлакатимизда маданият ва сањъат тараққий этмаса, жамият ривожланмайди. Қолаверса, тараққийнинг чинакам самараси бойлик ёки куч-қудрат даражаси билан эмас, миллий маданиятнинг нақадар юксакликка кўтарилгани билан ўлчангани хусусида тарихий мисоллар кўп. Масалан, инглиз сањъатшуносолими Ф. Р. Мартин “Темирийлар сингари сањъати ва маданиятини қадрлайдиган ҳукмдорлар Марказий Осиёда ҳеч вақт бўлмаган”, деб ёзади. Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқашга доир ташаббуси тафаккур тарзимиз, ҳаётга муносабатимиз, миллат ва халқнинг бугуни, эртасини, навқирон авлод маънавий камолотини, одамларимизнинг нури келажакни яратишга қаратилган ишларимизнинг туб илдизларини ҳам ўз ичига қамраб олади, десак, янгилишмаган бўламиз.

Концепция беш бобдан иборат. Унда келгусида амалга оширилиши лозим бўлган бир қатор устувор вазифалар белгилаб берилган. Жумладан, маданият соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, тизимдаги муассасалар ҳуқуқий мақомини белгилаш, ижодкорларни ижтимоий ҳимоялашнинг ҳуқуқий базасини, кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини яратиш, маданият ҳамда сањъат

Миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясига мувофиқ:



894 та маданият ва аҳоли дам олиш маркази маданият марказларига айлантирилади.



Ҳар йили **21 — 27 март** кунлари аҳоли учун “Театр томошалари ҳафталиги” бепул ташкил этилади.

2019 — 2022 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида

26 та маданият маркази янгидан қурилади, **45 таси** реконструкция қилинади ва **76 таси** капитал таъмирланади.



Маданият вазирлиги томонидан аънавий равишда “Халқ чолғулари ижрочилари”, Муқаррама Турғунбоева номидаги “Миллий ракс ижрочилари” ва Юнус Ражабий номидаги “Еш мақом ижрочилари” республика кўрик-танловлари ўтказилади.



муассасалари моддий-техника имкониятларини кенгайтириш кўзда тутилган. Шунингдек, соҳага ахборот-коммуникация технологияларини тўлиқ татбиқ этиш, халқаро фестивал ва кўрик-танловларда чинакам истеъдод эгалари иштирокини таъминлаш, хорижий ташкилотлар билан ижодий ҳамкорликни йўлга қўйиш каби қатор чора-тадбирлар белгиланган. Қарор асосида 2019-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида амалга оширилиши режалашти-

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган 1777 та маданият уйи ва клуб муассасаси негизда 2013 йилда ташкил этилган 894 та маданият ва аҳоли дам олиш маркази маданият марказларига айлантирилади. Бундан ташқари, Концепцияни амалга ошириш дастурида Маданият вазирлиги ва “Ўзавтосаноат” акциядорлик жамияти мутахассислари ҳамкорликда тайёрланган, маданият марказлари мавжуд бўлмаган чекка ва олис тоғли ҳудудларда истикомат қилаётган аҳолига маданий хизматлар кўрсатишга мўлжалланган, махсус мусиқий ва тех-

лар, газета-журналлар етказиш, таниқли ёзувчилар, шoirлар, театр артистлари, сиёсий шарҳловчилар билан мулоқотлар, ижодий кечалар ташкил этилади. Яна бир масала: шу пайтгача юртимизда мавжуд 894 та собик маданият ва аҳоли дам олиш марказининг 252 таси нариддан-бери таъмирланиб, номини фаолият олиб бораёяпти. Қолган 642 тасида эса таъмирлаш ишлари деярли тўхтаб қолган. Мусиқий чолғулар, овоз кучайтириш воситалари ва бошқа зарур жиҳозлар билан таъминлаш масалалари ҳам ачинари ҳолатда. Қарорда ана шу муҳим ва ўта долзарб масалалар ечими ҳам ўз ифодасини топган.

Ўзбек — қирғиз ёшларининг туризм маркази очилади

Пойтахтимизда Ўзбекистон — Қирғизистон II ёшлар форуми бўлиб ўтди. Тадбир Ёшлар иттифоқининг Марказий Кенгаши томонидан Қирғизистон ҳукумати ҳамда Ёшлар, жисмоний тарбия ва спорт ишлари бўйича давлат агентлиги билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Форум

— Мазкур форумнинг асосий мақсади фан ва таълим, тадбиркорлик, туризм ҳамда ёшлар сиёсатини амалга ошириш-

да иштирок этиш учун ягона диалог платформасини яратишдан иборат, — дейди Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Маркази

Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Алишер Саъдуллаев. — Унга мувофиқ, икки мамлакат ёшлари учун қўлай шaroитлар яратишга қаратилган қатор ташаббуслар, хусусан, ўзбек — қирғиз ёшларининг туризм марказини очиш кўзда тутилган. Ёшлар ансамбли томонидан ижро этилган рақслар, куй-қўшиқлар Ийгиликларга хуш кайфият бағишлади.

Муҳаммаджон АҲМАДЖОНОВ.

Эзгулик

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тарихда илк бор Брайль алифбосида чоп этилди. Шу муносабат билан Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан Тошкент шаҳар иختисослаштирилган кўзи оғирлар мактаб-интернатида хайрия-тақдими тадбири ўтказилди.

Сифатли ўқув қўлланмалари Брайль алифбосида чоп қилинади

Асосий Қонунимизнинг Брайль алифбосида чоп этилиши кўзи оғирларнинг ҳам бахтимиз қомусига доир билимларини янада бойитишга, ўз ҳуқуқ ва бурчларини чуқур англашларига имконият яратади.

Тадбирда агентлик томонидан имконияти чекланган фуқароларга мўлжалланган зарур ноширлик-матбаа маҳсулотларини чоп этиш борасида қилинаётган ишлар ҳақида ҳам айтиб ўтилди. Жумладан, Кўзи оғирлар босмахонаси ҳамда унинг таркибидagi “Еғду” нашриёти томонидан кўриш қобилияти чекланган инсонлар учун турли китоблар нашр қилиняпти. Шу билан бирга, соҳада ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳам мавжуд. Кўзи оғирлар босмахонаси маънавий ва моддий жиҳатдан анча эскирган. Бу самарадорликка таъсир кўрсатмоқда — босмахонада йилига бор-йўғи 18 турдаги дарслик чоп қилиняпти. Ваҳолонки, кўзи оғирлар махсус мактаби учун яна 48 тур дарслик етишмайди. Таққослаш учун келтириш мумкин: умумтаълим мактабларида болалар ўқув жараёни мобайнида 134 га яқин дарсликлардан билим олишади.

Олий ўқув юртиларида ҳам кўзи оғирлар учун ўқув қўлланмаларининг йўқлиги боис бу тоифадаги тала-

балар фақатгина маърузада ёзиб олган конспектлардан фойдалана олишади, холос.

Ушбу соҳадаги вазиятни тубдан ўзгартариш мақсадида Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан “Кўнғил кўзи” номи кенг миқёсда дастур ишлаб чиқилмоқда. У кўзи оғирлар учун ўқув қўлланмаларини нашр этиш соҳасида янги ишланмаларни молиялаштириш, бу борада фаолият юритадиган босмахоналарнинг техник ва технологик асосини янгилаш, соҳани ривожлантириш учун кадрлар етиштириш, аудио китоблар ишлаб чиқаришини ривожлантириш, имконияти чекланган бундай болаларга сифатли таълим ва ижтимоий мослашувга йўналтирилган яна бошқа чора-тадбирлар амалга оширилиши режалаштирилган.

Зарур адабиётлар, ўқув қўлланмаларининг чоп этилиши иختисослаштирилган мактаб-интернатларда сифатли таълимни таъминлаб, кўзи оғир ёшларнинг иқтидор ва салоҳиятини рўёбга чиқаришда муҳим аҳамият касб этади.

Тадбирда Тошкент шаҳар иختисослаштирилган кўзи оғирлар мактаб-интернати тарбияланувчиларига эсдалик совғалар топширилди.

Д. Йўлдошев.

РЕКЛАМА ЎРНИДА



ХАЛҚ ВАНКИ

Акциядорлик тижорат Халқ банки жамоаси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганга йигирма олти йил тўлиши муносабати билан барча юртдошларимизни табриклайди!

Шу билан бирга, Халқ банки қўлай ва даромадли бўлган муддатли омонат турини таклиф этади.

Ушбу омонат фоизлари:
 — 13 ойга йиллик 17 фоиз;
 — 25 ойга йиллик 18 фоиз.

Омонатга маблағлар нақд пул шаклида ва пластик карталар орқали қабул қилинади. Ҳисобланган фоизлар эса сиз истаган усулда ойма-ой тўлаб берилади.

Унутманг, Халқ банкидаги маблағингизнинг ишончли сақланиши давлат томонидан кафолатланади.

Кўшимча маълумотларни банкнинг ҳудудий филиалларидан олишингиз мумкин.

Манзил: 100096, Тошкент шаҳри, Қатортол кўчаси, 46-уй. Телефон: 71-200-00-55.
www.xb.uz info@xb.uz Телеграм: @xalqbanki

Хизматлар лицензияланган.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1245. 71 717 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Телефонлар:
 Девонхона 71-233-52-55;
 Котибаит 71-233-10-28; Эълолар 71-232-11-15.

Тахриратга келган кўзбўйлаб таъриқ қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обуруни расмийлаштирган танкилот жавобгар.

Газета тахрират компьютер марказида терминал ҳамда оператор М. Бегмурутто томонидан сақланади.

Газетанинг фотографик жиҳатдан сифатан чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41. ЎзА якуни — 19.25 Топширилди — 21.35 1 3 4 5 6

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров,
 Навбатчи — Ш. Раффофов,
 Мусаххач — Ш. Машраббоев.